

# **Қурилиш материаллари ва технологиялари намойиши бўйича семинар-кўргазма бўлиб ўтди**

Қурилиш материаллари ва технологиялари намойиши бўйича семинар-кўргазма бўлиб ўтди

Президент Фармонларининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойлари давомида қурилиш материаллари ва технологиялари намойиши бўйича семинар-кўргазма ташкил қилиш белгиланган эди.

Шунга мувофиқ, бугун, 28-ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида АК «Ўзмажхусмонтажқурилиш» таркибидаги «RIA INFORM SERVIS» МЧЖ томонидан семинар-кўргазма ташкил қилинди.

Мазкур семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринbosари Ш.Даўлетияров иштирок этди. Ташкилотчилар томонидан семинар қатнашчиларига видео слайдлар орқали юртимизда ва хорижда ишлаб чиқарилаётган сифатли қурулиш материаллари ҳақида маълумотлар бериб ўтилди.